Юрт тараққиёти йўлида бирлашайлик!

Ishonch

2020 йил 11 январь • шанба • № 8 (4293)

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси нашри • Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган • www.ishonch.uz • e-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗНИ ЯНАДА ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА УСТУВОР ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев Ватан ҳимоячилари байрами арафасида, 10 январь куни Қуролли Кучлар академиясига ташриф буюрди.

Давлатимиз раҳбари бу ерга 2017 йил январь ойида келиб, ҳарбий таълимни такомиллаштириш, ўша пайтдаги Тошкент олий умумқўшин қўмондонлик билим юрти негизида мутлақо янги ўқув муассасаси ташкил этиш бўйича кўрсатмалар берган эди. Кўп ўтмай, Президентнинг тегишли қарори қабул қилиниб, бу ерда хорижнинг илғор технологиялари ва замонавий ўқув воситаларини мужассам этган Қуролли Кучлар академияси ташкил этилди. 2018 йил январда Олий Бош Қўмондон мазкур янгиланган таълим маскани фаолияти билан танишган эди.

Бугун академия ҳам шароит, ҳам мазмун жиҳатидан тубдан ўзгарган. Аудиториялар компьютер техникаси, ўқув ва лаборатория асбоб-ускуналари билан жиҳозланган. Замонавий ситуацион марказ, тренажёрлар ташкил этилган.

Ўтган йили бу ерда модернизация ишлари давом эттирилиб, янги объектлар қурилди. Курсантларнинг ўқиши ва жанговар машғулотлар ўташи, спорт билан шуғулланиши учун қўшимча имкониятлар яратилди.

Академия қошида мамлакатимизнинг барча ҳарбий таълим йўналишидаги олий ва ўрта махсус билим юртларида ўқув жараёни ва илмий ишларни мувофиқлаштирадиган Илмий-методик кенгаш тузилди.

Президентимиз ўқув муассасаси фаолиятини такомиллаштириш бўйича саъй-ҳаракатлар натижаси ҳамда фойдаланишга топширилган замонавий таълим инфратузилмаси объектлари билан танишди.

Ўқув биносида ҳарбий техниканинг асосий намуналари бўйича динамик компьютер тренажёрлар имкониятлари намойиш қилинди, академия курсантларининг ихтирочилик ва инновацион ишланмалари ҳақида маълумот берилди.

– Барча соҳалар қатори ҳарбий таълим бўйича ҳам доимо замон билан бирга қадам ташлашимиз, керак бўлса, ундан олдинда юришимиз зарур. Ҳарбийларимиз, курсант ва тингловчилар энг илғор, инновацион билим ва кўникмаларни эгаллаши, соҳа бўйича дунёдаги янгиликлардан хабардор бўлиши, доим изланиши лозим, – деди Шавкат Мирзиёев.

Президентимиз курсантларни мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим воқеа – Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари ташкил этилганининг 28 йиллиги ва Ватан ҳимоячилари куни билан табриклади. Ўқув хоналари, ётоқхона ва сузиш ҳавзасидаги шароитларни кўздан кечирди.

Шу куннинг ўзида Қуролли Кучлар академиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев раислигида Хавфсизлик кенгашининг миллий армиямизни янада ривожлантириш ва ислоҳ қилиш масалаларига бағишланган кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди.

Тадбирда Хавфсизлик кенгаши аъзолари, Қуролли Кучлар, вазирлик ва идоралар раҳбарлари, видеоконференцалоқа орқали эса ҳудудлар раҳбарлари, ҳарбий округ ва ҳарбий қисмлар қўмондонлиги, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди. Мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида ахборот берилди.

Йиғилишда Қуролли Кучларни ривожлантириш бўйича олиб борилаётган кенг кўламли ишлар сарҳисоб қилиниб, вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий ҳокимият органларининг миллий армиямизни ривожлантириш ва ислоҳ қилиш борасидаги фаолиятига танқидий баҳо берилди.

Президентимиз 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосида мамлакат ҳаётининг бошқа соҳалари билан бир қаторда ҳарбий қурилиш йўналишида кенг миқёсли модернизация ишлари амалга оширилгани, бу билан қисқа даврда аниқ натижаларга ҳамда Қуролли Кучларимиз қиёфаси бўйича стратегик ёндашувни шакллантиришга эришилганини таъкидлади.

Ҳозирги ахборот маконидаги қарама-қаршилик, одамлар, айниқса, ёш авлоднинг онги ва қалби учун кураш кучайган шароитда ҳарбий-ватанпарварлик руҳидаги тарбиянинг ўрни ва аҳамияти тобора ортиб бораётгани алоҳида қайд этилди.

Аҳолини, аввало, ёшларни шундай руҳда тарбиялаш тизимини такомиллаштириш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнига жалб қилиш, уларнинг интеллектуал ва ижодий салоҳиятини рўёбга чиқариш бўйича қўшимча топшириқлар берилди.

– Армия моддий жиҳатдан энг замонавий ва зарур воситалар билан таъминланган бўлиши мумкин, лекин ахлоқий жиҳатдан заифлиги, жанговар руҳи, Ватанга содиқлик ва муҳаббат, унинг тақдири учун масъулият ҳисси йўқлиги ёки лоқайдлик тузатиб бўлмас оқибатларга олиб келиши мумкин, – дея таъкидлади давлатимиз раҳбари.

Бундан ташқари, Қуролли Кучларни ислоҳ қилиш ва ривожлантиришнинг бошқа муҳим йўналишлари кўриб чиқилди.

Йиғилиш якунида Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Шавкат Мирзиёев томонидан мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш соҳасида келгуси ишларни ташкиллаштириш бўйича вазифалар белгиланди.

ЎзА

ОТАБЕКЛАР ОРЗУСИ УШАЛГАН ДАВР

Америкалик таниқли таржимон ва тадқиқотчи, Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» («Bygone days») романи таржимони Марк Эдвард Ризга Ўзбекистондан миннатдорлик мактуби



Сизга Алишер Навоий, Абдурауф Фитрат, Абдулла Авлоний, Абдулла Қодирий, Абдулла Ориповдек буюк ижодкорлар юртидан хат йўллаш мен учун ғоят шарафдир.

Сиз беқиёс ҳурмат ва эҳтиром билан асарларини таржима қилган Абдулла Қодирийнинг мухлиси, унинг барча асарларини қайта-қайта ўқиб, ундан беқиёс маънавий куч оладиган ўзбек миллатининг бир фарзанди сифатида дилимда туғилган самимий ва айни чоғда ҳаяжонли туйғуларни улашишни ихтиёр этдим.

Дарҳақиқат, Сизнинг ушбу эзгу ишингиз важидан Сиз ҳақингизда суриштирдим, Сизнинг суҳбатларингизнинг видеотасвирларини диққат билан кўрдим. Теран фикрларингиздан чандон хурсанд бўлдим. Сизда халқимиз ва миллатимизга чексиз муҳаббат пайдо қилган жиҳатлардан фахр ва ифтихор туйдим.

Билсангиз, бугун ўзбек халқи ўзининг асл қиёфасини тикламоқда. Унинг, кези келганда, Нобель мукофоти олган асарлардан чандон юксак туйғулар ва теран қалб билан битилган асарларини халқлар интилиб, изланиб ўқимоқдалар. Бу биз учун фахр.

Бизга ифтихор бахш этадиган энг биринчи сабаб Ўзбекистонда миллат ва халқ орзуси рўёбга чиқмоқда. Президент Шавкат Мирзиёев ўзбек тилининг юксак мақомини қайта тикламоқда. Билсангиз, бу тарих – бизнинг буюк тарихдир!

Ўзингиз таъриф этганингиздек, Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романи Марказий Осиё ва жаҳон адабиётида ўхшаши йўқ асардир. Бу асар миллат руҳини ўйғотгани, унда ўзбек миллатининг чинакам қиёфасини намоён этгани ва гўзал тили билан халқимизнинг олтин жавоҳирига айланган.

Биласизми, Сизнинг беқиёс ақл-у идрокингиз, машаққатли меҳнатингиз билан «Ўткан кунлар»нинг илк бор ўзбек тилидан инглиз тилига таржима қилингани, дунёнинг энг ривожланган давлати – Америка Қўшма Штатларида чоп этилгани, унинг кенг жамоатчилик томонидан илиқ кутиб олинганини эшитганимда, кўнглимда асар қаҳрамони Отабекнинг армонга айланган орзулари жонланди. У шундай кунларни – Ватанининг барча давлатлар қаторида туришини жон-у дили билан истаган эди.

Қодирий образидаги Отабеклар ҳақиқий ҳаётда минглаб-минглаб бўлгани, улар Ватанининг гуллаб-яшнаши йўлида жонини ҳам фидо қилганини барчамиз яхши биламиз.

Шу лаҳзаларда кўнглимдан яна бир туйғу ўтмоқда. Бугун биз Қодирий орзу қилган даврда яшамоқдамиз. Ўзбекистон тараққиётнинг янги босқичида жадал ривожланмоқда. Ватанимизда ўша орзудаги адолат тикланмоқда. Адолатли жамият орзуси амалга ошмоқда! Бунда иқтисодий юксалиш билан бир қаторда маънавий тараққиётга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёевнинг шахсан ташаббуси билан китобхонликка урғу берилаётганининг ўзида қанча маъно мужассам эканини англамоқ керак!

Айниқса, Тошкентда муҳташам Абдулла Қодирий музейи қад ростлагани, Абдулла Қодирий ижод мактаби фаолият юритаётгани, яқиндагина хайрлашганимиз – 2019 йилда Абдулла Қодирийнинг 125 йиллиги кенг нишонланганини Сиз ҳам яхши биласиз.

Биласизми, Президентимиз Абдулла Қодирий ва унинг сафдошларини озодлигимизнинг фидойилари, меҳр қуёши, мангу тирик аждодларимиз, деб таъриф берди. Алоҳида эътибор бизнинг Абдулла Қодирийни қайта англашимизга имкон яратмоқда.

Яратганга шукурки, бугун янги Ўзбекистонни бутун дунё тан олиб турибди. Унинг ана шундай хислатларини, аввало, бой маънавий оламини дунёга кўрсатиб бераётган бу унинг чин маънодаги фидойи ижодкорларининг асарлари, алалхусус, «Ўткан кунлар»дир!

Сизнинг, ушбу қўламдор романни инглиз тилига ўгириш учун 15 йилдан ортиқ умрингизни бағишлаганингиз, асарнинг америкалик ўқувчиларга тушунарли бўлиши учун 400 дан ортиқ тушунча ва изоҳлар ёзганингиз эса шундай бетакрор халқимизга бўлган чексиз ҳурматингизнинг белгисидир. Бу учун ўзбек зиёлилари Сиздан чексиз миннатдордирлар!

Сизга, ўзбек миллатининг руҳини дунёга тараннум этаётганингиз учун Отабеклар авлодлари номидан тасаннолар бўлсин!

Ҳурмат билан,

Қудратилла Рафиқов,
сиёсатшунос

2020 йил 10 январь

КУН НАФАСИ

Президент **«Халқаро шартномаларга қўшилиш тўғрисида»**ги қарорни имзолади. Ҳужжатга кўра, **Ўзбекистон Хавфли юкларни халқаро йўлларда ташиш тўғрисидаги Европа битими**га (1957 йил 30 сентябрь, Женева) ҳамда 1957 йил 30 сентябрдаги **Хавфли юкларни халқаро йўлларда ташиш тўғрисидаги Европа битимининг** 1-моддаси а) бандига ҳамда 14-моддаси 1 ва 3 b) бандларига тузатишлар киритиш тўғрисидаги баённомага (1993 йил 28 октябрь, Женева) **қўшилди.**

kun.uz

* * *

Вазирлар Маҳкамасининг **«Ўзбекистон Республикаси Давлат ўқ-гильзотекаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»**ги қарори қабул қилинди.

kun.uz

* * *

Зафар Рўзиев Вазирлар Маҳкамаси Давлат тилини ривожлантириш департаментининг Атамашунослик ва топонимик объектларига ном бериш фаолиятини мувофиқлаштириш бўлими мудири этиб тайинланди.

uza.uz

* * *

2020 йилнинг 9 январь куни Брюссел шаҳрида Ўзбекистон Республикасининг НАТО ҳузуридаги миссияси раҳбари, элчи **Дилёр Ҳакимов** альянс бош котиби **Йенс Столтенбергга ишонч ёрлиқларини топширди.**

mfa.uz

* * *

Хитойнинг Zhejiang Loong Airlines авиакомпанияси 10 январь кунидан эътиборан **Чэнду – Тошкент йўналишида парвозларни** амалга оширишни бошлайди.

Транспорт вазирлиги ахборот хизмати

* * *

Тошкент шаҳар тез тиббий ёрдам станциясига 150 та замонавий **«Ford»** реанимобили топширилди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги жамоатчилик билан алоқалар бўлими

Рақамларда акс этаётган тараққиёт

Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти ортмоқда

2019 йилда Ўзбекистонга **6 млн. 748 минг 500 нафар** сайёҳ ташриф буюрган.

2018 йилда Ўзбекистонга **5 млн. 346 минг 200 нафар** сайёҳ келганди.

513 фоизини 31-35 ёшдаги кишилар ташкил қилади.

Энг кўп ташриф буюрган сайёҳлар МДҲ мамлакатларидан.



Азиз газетхонлар!

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталарини ўз вақтида оляпсизми?

Таҳририят газеталарнинг ўз манзилига етиб боришини доимий назорат қилиб бориш мақсадида телеграм ижтимоий тармоғида **«Муштарий гуруҳи»** каналини ташкил қилди. Агар Сизга газета ўз вақтида етиб бормаётган бўлса, қуйидаги ҳавола – **t.me/ishonchmurojaat** орқали телеграм гуруҳига қўшилиб, таҳририятга мурожаат қилишингизни сўраймиз. Шунингдек, мурожаатлар **(+99871) 256-87-73** телефон рақами орқали ҳам қабул қилинади.

>>> Келгуси сонларда ўқинг... >>>

Жиззах вилояти

Учрашув

Ёшлар билан мулоқот

Жиззах вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида Транспорт йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши масъул ходимлари бир гуруҳ ёшлар билан учрашиб, уларни қизиқтирган саволларга жавоб беришди.

– Мазкур тадбирда ўзим учун керакли бўлган ғояларни олдим, – дейди Жиззах шаҳрида яшовчи Элмурод Мусаев. – Юртимизда ёшларга кенг имкониятлар берилганидан хабардор эмас эканман. Келгусида ўзимнинг тадбиркорлигимни йўлга қўймоқчиман.

Учрашувда ёшларнинг уй-жой таъминоти, бўш вақтини мазмунли ўтказиши, таълим олиш, касб ўрганишга бўлган талаби, бандлик билан боғлиқ фикр-мулоҳазалари ҳам тингланди.

Муқимбой ИСМОИЛОВ,
«ISHONCH»

Наманган вилояти

14 январь – Ватан ҳимоячилари куни

Моҳирлар мусобақаси

Наманган вилоятидаги «Океан» сув спорт саройида ҳокимлик ҳамда вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳамкорлигида Ватан ҳимоячилари куни байрами муносабати билан ҳарбий хизматчилар ўртасида «Ватанпарварлик – миллий юксалиш кафолати» шиори остида сузиш бўйича мусобақа уюштирилди.

Унда вилоятдаги 800 нафар ҳарбий қисм хизматчилари ва қўмондонлари иштирок этди.

Меҳнаткашлар, айниқса, ёшлар орасида мамлакатимиздаги тинч ва осуда ҳаёт қадрининг мазмун-моҳиятини кенг тарғиб этиш, улар онгида Ватан ҳимоясини таъминлашдек муқаддас бурч, ҳарбий-ватанпарварлик туйғуларини юксалтириш, миллий армиядан фахрланиш ва унга бўлган ишонч ҳиссини ошириш ва уларнинг оила аъзоларини ижтимоий-иқтисодий қўллаб-қувватлаш мақсадида ташкил этилган мусобақа ўзига хос кўтаринки руҳда ўтди.

Яккалик ва эстафеталик услубида ўзларининг моҳир сузувчи эканлигини намойиш этган ғолиб ва совриндорлар ҳамда жамоалар вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг диплом ва эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Вилоят маданият бошқармаси томонидан тайёрланган мусиқий дастур ҳам иштирокчиларга манзур бўлди.

Қосимжон ХОЛБОЕВ,
Наманган вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг «Маданий-маърифий ва спорт ишлари бўлими» мудири

Навоий вилояти

Муносабат

2019 йилнинг 6 декабрида Президентимиз томонидан имзоланган «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонун соҳа ходимлари учун дастуриламал вазифасини ўтайди.

Адолат тамойиллари устувор

Қонунда касаба уюшма ташкилотларининг фаолияти, ваколатлари аниқ белгилаб берилган, ҳуқуқлари ҳам кенгайтирилиб, шаффофлаштирилган. Яна бир муҳим жиҳати, касаба уюшмалари тизимида ишлайдиган барча ходимлар вакиллик органи сифатида меҳнат муносабатлари масаласида иш берувчи билан тенг ҳуқуқли музокаралар ўтказа олиш имкониятига эга бўлганидир. Касаба уюшма вакилининг иш берувчидан меҳнатга оид муносабатлар юзасидан ҳар қандай ҳужжатни талаб қилиб ола билиши, тегишли тақдимномалар киритиш ҳуқуқининг шакллантирилиши катта янгилик саналади. Биз энди ўз низомимизда кўрсатилган ва қонунда белгилаб қўйилган ҳуқуқларимиз доирасида давлат органлари ва мансабдор шахслардан меҳнат қоидалари билан боғлиқ ахборотларни олиш имкониятига эга бўлдик. Худди шу нуқтаи назардан қараганда, қонун кучга киргандан кейин ҳар қандай иш берувчи ташкилот, мансабдорлар, давлат органлари касаба уюшмалари билан ҳисоблашишга мажбур. Ушбу мажбурийлик жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшади, албатта.

Қонун билан ишчи-ходимларнинг манфаатларига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилиниши юзасидан доимий жамоатчилик назоратини амалга ошириш мақсадида касаба уюшмалари тизимида инспекциялар тузиш тартибининг қўлланилиши, албатта, эртанги кунимизнинг янада фаровон бўлишини таъминлайди.

Таъкидлаш лозимки, янги қонунда касаба уюшмаларининг жамоатчилик назорати йўналишида ҳам ваколатлари кенгайган. Унга кўра, касаба уюшма ташкилотларининг вакиллари уюшма аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий ва бошқа ҳуқуқларини ҳар қандай иш берувчи корхоналарга тўсиқларсиз кириб ўрганиши, ҳимоя қилиши мумкин.

Қонунга кўра, касаба уюшмалари, ҳукумат, савдо-саноат палатаси ўртасида тузилган бош келишувга асосан, шунингдек, ҳудудий ва тармоқ келишувларида ҳамда жамоа шартномаларида акс эттирилган мажбуриятлар юзасидан муносиб меҳнат қилиш имкониятларини яратиш, иш ҳақлари ошириб борилишини, олинган мажбуриятларнинг бажарилишини назорат ва мониторинг қилиб бориш масалаларида ҳам имкониятлар кенгайди. Талабномалар, тақдимномалар киритиш ваколатларимиз янада мустаҳкамланди.

Қонун билан ишчи-ходимларнинг манфаатларига тааллуқли норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга амал қилиниши юзасидан доимий жамоатчилик назоратини амалга ошириш мақсадида касаба уюшмалари тизимида инспекциялар тузиш тартибининг қўлланилиши, албатта, эртанги кунимизнинг янада фаровон бўлишини таъминлайди. Ўйлаймизки, мазкур инспекциялар давлат органлари қатори касаба уюшма аъзоларининг манфаатларини мустаҳкам ҳимоя қила оладилар.

Умуман олганда, ушбу янги қонун касаба уюшма ташкилотлари нуфузининг янада ортишига, турмушимизда адолат тамойилларининг чуқурроқ илдиз отишига муносиб хизмат қилади.

Шуҳрат ХАЛИЛОВ,
Навоий вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси ўринбосари

Сурхондарё вилояти

Касаба уюшмаси кўмагида

Ходим ҳимояси муваффақиятлар дояси

Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилишда Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши тасарруфидаги туман қўмиталари, бошланғич ташкилотлар ҳам ҳудудий келишув ҳамда жамоа шартномалари асосида қатор ишларни амалга ошириб келмоқда.

Бу жараёнда уруш қатнашчилари, нафақадаги меҳнат фахрийлари, кам таъминланган оилаларга моддий ва ижтимоий ёрдам беришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Соҳада меҳнат қилиб келаётган пенсионерлар, аъзоларнинг нафақадаги ота-оналарига республикамиздаги нуфузли сиҳатгоҳ ва профилакторийларга имтиёзли йўлланмалар ажратилмоқда. Хусусан, ўтган 2019 йилда Термиз шаҳридаги 24 нафар пенсия ёшидаги ходимга пенсияга чиқишдан олдин ва 20 нафар тизимдаги корхоналарнинг собиқ ишчиларига моддий ёрдам берилди. Юбилей саналарини нишонлаган 24 нафар ишчи-ходимга эсдалик совғалари топширилди.

Хотин-қизларнинг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш бўйича 2 ёшдан 3 ёшгача бола парвариши учун таътилда бўлган 20 нафар ёш онага, 56 та кам таъминланган ёш оилалар вакилларига ҳам моддий ёрдам кўрсатилди. Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган иқтидорли, кам таъминланган ва чин етим 4 нафар талабанинг ўқув контракт-шартномаси қисман қопланди, 8 нафар ёш оилага уй-жой қуриш ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган узоқ муддат фойдаланиладиган товарларни харид қилиш учун, 8 нафар ходимнинг эса сафарбарлик захирасидаги ҳарбий хизматга чақирилиши муносабати билан фоизсиз ссудалар берилди.

Ишчи-ходимлар оғирини енгил қилиш – савобли иш. Аҳолини ижтимоий муҳофазалаш, оила тебратиш, рўзғор юритишнинг асосий манбаи ҳисобланган доимий меҳнат ўрнига эга бўлишга эришиш муҳим аҳамиятга эга. Бу борада касаба уюшмалари фаолияти, яъни амалдаги ҳудудий келишув, иш берувчилар билан бошланғич ташкилотлар ўртасида имзоланган жамоа шартномалари орқали 50 турдан ортиқ ижтимоий ёрдам кўрсатишга эришиляпти.

Ҳамза САДАЕВ,
Давлат муассасалари ва жамоат хизмати ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Сурхондарё вилоятидаги масъул ташкилотчиси

Фарғона вилояти

Фаолиятга назар

Сафимиз ортмоқда, масъулиятимиз ҳам

Кенгашимиз томонидан таълим муассасалари ходимларини ижтимоий, ҳуқуқий ва маънавий қўллаб-қувватлашда самарали натижаларга эришилмоқда. Айни пайтда тасарруфимизда 159 та бошланғич ташкилот бўлиб, унда 12 минг 244 нафар аъзо бирлашган. Уларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари эса тузилган жамоа шартномалари орқали ҳимоя қилиб келиняпти.

Ўтган йилда ташкилот ва муассасаларда жамоа шартномалари ва келишувлари орқали ходимларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш мақсадида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган ҳамда моддий томондан кўмакка муҳтож оилаларнинг 450 нафарига 94 млн. сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Касаба уюшмасига аъзолик афзалликларини тушунтириш бўйича янги ташкил этилган нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ва хусусий нодавлат мактабларда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди. Бунинг натижасида Фарғона шаҳрида «Родничок», «Вундеркинд», «Интеллект», «Ангел», «Гномик», «Панда», «Радуга», «Чико», «Детский дворик», «Дисней Лэнд» нодавлат мактабгача таълим муассасалари, шунингдек, «Логос» нодавлат хусусий мактаби, «Тасвирий Ойна» ижодий уюшмаси, «Ибратли Бегим» нодавлат таълим маркази касаба уюшмалари ҳимоясига олинди. Шу тариқа сафимиз 276 нафарга кўпайди. 100 нафарга яқин таълим фидойисининг Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива шаҳарларига саёҳатлари ташкил этилди. Таълим муассасаларида мунтазам равишда тасдиқланган жадвал асосида сайёр қабуллар ўтказдик. Аниқланган муаммолар жойида бартараф қилинди.

Ишчи-ходимлар ҳамда уларнинг оила аъзоларини соғломлаштириш, дам олдириш муҳим вазифалардан биридир. Шу боис, ўтган йил давомида ходимларни ижтимоий ҳимоя қилиш ва соғлигини тиклаш учун республикамиздаги турли сиҳатгоҳларга 262 дона имтиёзли йўлланма ажратилди. Шундан 4 дона йўлланма дам олувчиларга бепул берилди. Шунингдек, байрамлар муносабати билан кўплаб касаба уюшма аъзоларига моддий ёрдам ажратилди.

Албатта, ҳали бажарилиши лозим бўлган ишларимиз талайгина. Олдимизга катта режаларни қўйганмиз. Қолаверса, сафимиз ҳам ортмоқда, масъулият ҳам шунга яраша кучайиши зарур-да.

Кўмакка муҳтож оилаларнинг 450 нафарига 94 млн. сўмдан ортиқ маблағ йўналтирилди. Касаба уюшмасига аъзолик афзалликларини тушунтириш бўйича янги ташкил этилган нодавлат мактабгача таълим ташкилотлари ва хусусий нодавлат мактабларда тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилди.

Нозима МИРСАЛИМОВА,
Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Фарғона шаҳар кенгаши раиси

«Ishonch» кўзгусида

Хоразм вилояти

Натижалар салмоқли, режалар янада кўламдор

Хоразм вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашининг VII мажлиси ва раёсат йиғилиши бўлиб ўтди.

Бирлашма кенгаши раиси Даврон Аллақулиев олиб борган мажлисда 2019 йилдаги фаолият якунлари ва 2020 йилдаги устувор вазифалар ҳамда Хоразм вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг VIII Конференциясини чақириш тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

Раёсатда дастлаб тармоқ касаба уюшмалари Гурлан тумани кенгашлари ва уларнинг тизимидаги касаба уюшма ташкилотларидаги масалалар муҳокама қилинди. Тармоқ касаба уюшмалари Боғот тумани ташкилотларида ходимлар ўртасида миллий ғоя тарғиботи, маданий-маърифий ва спорт йўналишида олиб борилаётган ишлар аҳволи таҳлил қилинди.

Раёсатда яна бир қатор масалалар танқидий таҳлил қилинди.

Кенгаш мажлисида кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Жумладан, Хоразм вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасининг VIII Конференциясини 2020 йил июль ойида ўтказиш белгиланди.

***

Янги қонун аҳамиятига бағишланди

Хоразм вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасида «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги янги қонун аҳамияти, мазмун-моҳиятига бағишланган давра суҳбати ташкил қилинди. Унда бирлашма ходимлари, тармоқ кенгашлари масъул ташкилотчилари, шаҳар-туман кенгашлари раислари, бошланғич ташкилотлар етакчилари иштирок этди.

Бирлашма юридик бўлими мудири М.Атабаев «Касаба уюшмалари тўғрисида»ги қонуннинг аҳамияти, амалиётга татбиқ қилинаётган янгликлар ҳақида маъруза қилди.

Давра суҳбатида жамоатчилик, касаба уюшма аъзолари ўртасида ушбу қонун тарғиботини кенг йўлга қўйиш, у кучга кирганидан кейин берилган имтиёзлардан тўғри ва самарали фойдаланиш ҳақида фикрлашиб олинди.

***

Бошланғичлар 142 тага кўпайди

2019 йилда нодавлат сектори тизимидаги корхоналарни касаба уюшмасига жалб қилиш бўйича ража-тақсимотга асосан олиб борилган тарғибот-ташвиқот ишлари натижасида Хоразм вилоятида 806 та ташкилот касаба уюшмалари хизматига жалб этилди, 6664 нафар ходим аъзоликка қабул қилинди. Шундан 142 ташкилотда янги бошланғич касаба уюшма ташкилоти тузилишига эришилди, 664 та ташкилот мавжуд касаба уюшма ташкилотлари таркибига киритилди. Йил якунларига кўра, бошланғич ташкилотлар сони 2156 тани, аъзолар сони 294892 нафарни ташкил қилди.

***

Жамоа шартномаси асосида

Вилоятдаги 11664 та юридик шахснинг 11651 тасида (99,8 фоиз) жамоа шартномалари қабул қилинган бўлиб, улар орқали 245285 нафар (99,7 фоиз) ишчи-ходимларнинг манфаатлари қамраб олинган.

«Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» Давлат дастури доирасида 363 та корхонада 534 нафар пенсия ёшидаги шахсларга бир йўла моддий ёрдам берилди ва қимматбаҳо совғалар топширилди. 397 та корхонада 517 нафар ходим юбилей саналари муносабати билан қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди. 670 та корхонада 1217 нафар ишламайдиган пенсионерларга 159 миллион 687 минг сўмлик моддий ёрдамлар кўрсатилди.

935 та корхонада 2416 та кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар фарзандлари учун ўқув қуроллари, дарсликлар харид қилиш харажатларини қоплаш учун 160 миллион 250 минг сўм сарфланди. Олий ўқув юртларида таҳсил олаётган 99 нафар талабанинг контракт пуллари бир қисмини қоплашга корхоналар ҳисобидан 156 миллион 493 минг сўм сарфланди.

***

Меҳнат ҳуқуқлари – амалда

2019 йил давомида Хоразм вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасига 253 та мурожаат тушган. Амалга оширилган ишлар натижасида иш берувчилар номига киритилган тақдимномалар ҳамда судларга киритилган даъво аризалари орқали 87 нафар ходимнинг ишга тикланиши ҳамда уларга етказилган моддий ва маънавий зарар учун 210 млн. сўмдан ортиқ пул маблағлари ундирилишига эришилди.

***

Руҳий, маънавий ва жисмоний саломатлик йўлида

2019 йил давомида Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби тарихий шаҳарларга ҳамда ўз ҳудудимиздаги диққатга сазовор қадамжоларга 21836 нафар касаба уюшма аъзолари ва уларнинг оила аъзолари учун саёҳатлар уюштирилди.

Меҳнаткашлар ўртасида соғлом турмуш тарзини кенг тарғиб этиш мақсадида Федерация Кенгашининг тавсияларига асосан, 2107 та корхона, ташкилот ва муассасаларда ишчи-ходимлар ичидан масъул тайинланган мураббийлар томонидан соғломлаштириш машқлари ташкил этилиб, бу машқлар билан 146 мингдан ортиқ ходимлар шуғулланмоқда.

Муҳаббат ТЎРАБОЕВА,
«Ishonch»

Сирдарё вилояти

Мурожаат ҳал этилди

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси «Ишонч телефони»га Гулистон шаҳрилик Людмила Мавлютова меҳнат ҳуқуқлари тикланишини сўраб мурожаат қилди.

Гап шундаки, мурожаатчи Сирдарё вилояти мудофаа ишлари бошқармасида 2011 йилдан буён ишлаб келмоқда. Бироқ, негадир, 2018 йилда бошқарма бошлиғи ва ходима билан қайтадан бир йил муддатли меҳнат шартномаси тузилган. Ажабланарлиси, аввалги меҳнат шартномаси бекор қилинмаган. Муддат тугаши муносабати билан ходимга огоҳлантириш хати берилган. Ана шунда Людмила касаба уюшмалари билан боғланган.

Мурожаат вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси юридик бўлими мутахассислари томонидан ўрганиб чиқилди. Вилоят мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи, ходимлар бўлими мудири, шунингдек, бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси иштирокида ўтган йиғилишда ушбу ҳаракатлар ноқонунийлиги тушунтирилди. Шу куннинг ўзида муддатли меҳнат шартномаси бекор қилиниб, номуайян муддатга тузилган меҳнат шартномаси асосида Л.Мавлютова ўз вазифасини давом эттирадиган бўлди.

Озода МАМАДАЛИЕВА,
«ISHONCH»

***

Самарқанд вилояти

Татимаётган ҳаловат

Пахтачилик уч нафар меҳнат ногирони юраклари тўлиб-тўлиб касаба уюшмаларига хат йўллашди. Меҳнати ортидан орттириб олган дардни тўлаб берилаётган товон пуллари аритса қани эди, аммо бу тўловнинг узилиб қолиши, уларнинг қалбини ўртаб юборган экан.

Касаба уюшмаларининг юридик ва меҳнат бўлимлари томонидан ҳолат ўрганилганида, шикоят муаллифлари ҳақ бўлиб чиқди. «Зиёвуддин толаси» акциядорлик жамияти томонидан нафақат Бахтиёр Бойбўтаев, Шоназар Чўтбоев, Тўлқин Равшанов, балки яна бир неча кишига меҳнатда орттирилган касалликка тўланиши лозим бўлган товон пули тўлаб берилмаётгани аниқланди. Корхона раҳбариятига қонуний талаб ётиғи билан тушунтирилди. Бу ерда иқтисод косодлиги, ҳисобда маблағ йўқ, деган баҳоналарга ўрин бўлмаслиги айтилди.

Корхонада ишлаб соғлигига зарар етган 6 кишининг (уч нафари аризачи) тўлаб берилмаган товон пуллари умумий миқдори 15 миллион 256 минг сўмни ташкил этаркан. Жамоат ташкилоти аралашуви билан адолат қарор топди. Акциядорлик жамияти масъул ходимларига тўловларни ўз фурсатида амалга ошириш юзасидан ҳуқуқий маслаҳат ва тушунчалар берилди.

Хатони тузатиш, келгусида камчиликларга йўл қўйишнинг олдини олади. Қачонлардир айнан шу корхонада ишлаб соғлигига етказилган зарардан азият чекаётган бу фуқаролар бегона эмас. Улар олаётган товон пуллари татимаётганини ҳам айтишмоқда. Иш берувчиларимиз меҳнат муҳофазаси, техника хавфсизлиги қоидаларига тўла-тўкис амал қилишганида бундай ортиқча харажатларга ўрин ҳам бўлмасди. Ўзини билган масъул ҳеч маҳал кўнгилсизликка йўл очмайди, ўзидан кейинги келган маъмурларни ҳам ташвишга солмайди. Хулоса ўзингиздан, азизлар.

Усмон КАРИМОВ,
Самарқанд вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши «Меҳнатни муҳофаза қилиш бўлими» мудири

Шахсий фикр

Миллий ғоя реал ҳаёт маҳсули бўлиши керак!

Яқинда «Ishonch» газетасида чоп этилган «Оҳанг – янги, ёндашув – эски» сарлавҳали мақолада миллий ғояни ривожлантириш концепцияси лойиҳасига доир айрим мулоҳазалар билан танишдим. Менда ҳам бу борада кўнглимда туғилган фикрларни қоғозга тушириш фикри туғилди.

Аввалбошдан айтмоқчиманки, матнда миллий ғоя тараққиётнинг янги босқичига дахлдор этиб кўрсатилгани менда савол уйғотади. Нима учун муаллифлар миллий ғояни Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичи билан боғлашяпти, нима у аввалги босқичларга дахлдор воқелик эмасмиди?..

Таклиф этилган Миллий ғоя концепциясини ўқиркансиз, даставвал, бир савол кўндаланг бўлади: хўш, янги лойиҳа илгаригисидан нимаси билан фарқ қилади? Жавоб жуда лўнда ва аниқ; деярли ҳеч нимаси билан. Агар ундан «Тараққиётнинг янги босқичи», «Ҳаракатлар стратегияси», «Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халққа хизмат қилиши керак», каби янги ибораларни олиб ташласак, аввалги сийқа, мавҳум, реал ҳаётдан узоқ сўз ўйинларини ўзида жамлаган матн қолади, холос. Ҳатто, унга киритилган «инновацион тараққиёт» деган сўз ҳам амалда концепцияга деярли ҳеч нима қўшмайди. Асабни тийиб айтиш мумкинки, кишилар ўй-ташвишлари-ю қизиқишларидан мутлақ узоқ, улар онги ва қалбига ҳеч нима бермайдиган гўёки «миллий ғоя» деб аталаётган сўз ўйинлари, тавтология кимга ва нима дахли борлиги ҳақида бир нима дея олмайди. Негаки, ҳамма фикр – реал ҳаёт эҳтиёжларидан узоқ, инсон онги ва қалбидан бегоналашиб кетган...

Ҳа, кабинетларда, оромгоҳда ястаниб, ҳаётга, келажакка мадҳлар тўқиш осон, лекин оддий одамларга қисқа, лўнда ва аниқ жавоб керак. Тақдим этилаётган концепция эса, муаллифлари бизни маъзур тутсинлар-у, талабалар аудиториясига мўлжалланган дидактик маърузани эслатади.

Аслида, миллий ғояни жамиятнинг етакчи қисми – зиёлилар, тафаккури юксак, келажакни тўғри идрок эта оладиган, миллат ва халқ ғами билан яшаётганлар яратади, деган ақида мавжуд. Бу фикр билан қисман келишиш мумкин. Аммо қалбингнинг бир четида ушбу «етакчи қисм» ўз манфаатларини кўзлаётган бўлса-чи, деган иштибоҳ туради. Ахир, яқин ўтмишимиз буни тасдиқламайдими? Тақдим этилаётган концепцияни қайси «қисм» ва кимлар яратган?..

Мен миллатни, халқни умумий ғоя, яъни миллий ғоя бирлаштиради, деган сийқа қарашга қўшилолмайман. Бу, албатта, менинг шахсий фикрим. Америкамага керак, биз кимни лақиллатмоқдамиз?..

Ғояшуносларнинг мудом «дунё миллий ғоя»га мувофиқ ривожланган, мафкуравий таҳдидлардан ҳимояланишнинг самарали усули «миллий ғоя» деган фикрни (бу фикрга уларнинг ўзлари ҳам ишониши шубҳали) далил, асос қилиб келтиришади. Ҳатто, улар «ғоялар фалсафаси» деган назарий фанни «кашф этиш»ган. Оқибат нима бўлди?! Бугун, ҳатто, олий маълумотли мутахассислар ҳам «ғоялар фалсафаси» нима, унинг маънавиятга, тараққиётга, янгиланишга дахлдор воқелик эмасмиди?..

Кенгашдаги бирорта ҳам депутат қўллаб-қувватламаган: Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти, нега қарсак чалмайсизлар, дегандан кейингина зўраки овоз беришганини эслаш қанчалик оғир...

«Миллий юксалиш» нима? Унинг мезони, чегараси борми? У халққа, кишилар ўйи ва қалбига нима беради? У навбатдаги сўз ўйини, онгни, қалбни чалғитувчи, тафаккурга аниқ ҳеч нима бермайдиган сийқа, бемаъниз ибора эмасми? Менинг назаримда миллий ғоя ижтимоий-сиёсий установкалардан эмас, балки реал ҳаётдан, кишилар ўйи ва қалбидан униб чиқиши лозим. Бугун халқимизни нималар қийнаяпти? Улар келажагини қандай тасаввур этишмоқда? Нималарга ишонишади, нималарга эътиқод қўйган, нималарни ҳаётий идеал билади?.. Минг воҳки, концепция ушбу саволларга жавоб беришга интилмайди, чунки у реал ҳаёт қўйнидан, ундаги зиддиятли муаммоларга ечим излашдан келиб чиқмаган.

«Ягона Ватан туйғуси», «Адолат – қонун устуворлигида», «Халқ розилиги», «Жаҳолатга қарши маърифат», «Инновацион тараққиёт» миллий юксалиш ғоясининг асосий тушунчалари сифатида келтирилади. Нега энди улар? Инсон манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинликлари, умуминсоний қадриятлар, миллий ғурур, тарихий-маданий меросни асраш, ахлоқ, оила, меҳнатсеварлик каби шу пайтгача эъзозланиб келинган туйғулар ва қадриятлар қаерга кетди? Тараққиётнинг янги босқичида улар керак эмасми?!

Концепциядаги «миллий юксалиш ғоясининг асосий тамойиллари» банди кимгадир ҳисобот бериш тарзида ёзилган. Услуб ва моҳият шуни кўрсатиб турибди. Бироқ аслини олганда, бу тамойиллар кимга, нимага керак? Чамаси концепция муаллифлари ўзининг у ёки бу илмий-назарий таълимотлардан хабардор эканликларини билдиришмоқчи бўлишган. Бу билан улар яна бир бор ўз қарашларини реал ҳаётдан эмас, балки тор доирадан олишганини, тақдим этаётган миллий ғоянинг кабинет маҳсули эканини англатишган...

Мухтасар хулосам шулки, миллий ғоя ҳар қандай таҳдид, турмуш машаққатларига қарши турувчи эътиқодга айланса, эъзозлидир.

Виктор АЛИМАСОВ,
фалсафа фанлари доктори, профессор

Ҳикмат

Ғоялар дунёнинг яратувчиси ва асосидир.
АФЛОТУН

ТАҲРИРИЯТДАН: Мазкур мавзу юзасидан кўп фикр-мулоҳазалар билдирилмоқда. Баҳс-мунозаралар, пировардида концепция лойиҳасининг такомиллашувига хизмат қилишини инобатга олиб, таҳририят ҳар бир мақолага газета саҳифаларидан жой ажратишга тайёр. Зеро, ҳақиқат баҳсларда туғилади. Шу билан бирга, билдирилаётган эътирозлар юзасидан лойиҳа ва мақола муаллифларини кўтарилаётган мавзуларни юзма-юз муҳокама қилиш учун давра суҳбатига чорлаб қоламиз. Таҳририят студиясида бу мулоқотни тасвирга олиб, кенг жамоатчилик муҳокамасига ҳавола этамиз. Қолаверса, соҳага бефарқ бўлмаган зиёлиларнинг фикр ва мулоҳазаларини ҳам кутиб қоламиз.

Қорақалпоғистон Республикаси

Долзарб мавзу

Шатровуқ обод бўлади(ми?)

Тахиатош воҳада янгидан ўтов тиклаган кенжа туманлардан ҳисобланади. Гўшада 2019 йил «Обод қишлоқ» дастурига учта ОФЙ ҳудудидан овуллар танлаб олинди. Шундай қишлоқларнинг бирига «Найманкўл» ОФЙ-даги Шатровуқ овули ҳам киритилди.

– Бугун қишлоқда мингга яқин аҳоли истиқомат қиляпти, – дейди «Найманкўл» ОФЙ раиси Ҳайитжон Юлдашев. – Дастур доирасида амалга оширилган ишлардан овул аҳолиси мамнун.

Туман марказидан 18 километр олисда жойлашган Шатровуқ овули аҳолиси асосан қишлоқ хўжалиги ишлари билан банд.

Қишлоқда мактаб, хусусий дўкон ва соатига бир тонна ичимлик сувини тозалаб берадиган замонавий иншоот ишлаб турибди. Олис овулга йўналишли такси қатнови йўлга қўйилган.

– Қишлоғимизда бир пайтлари болалар боғчаси, тиббиёт пункти ва дорихона бор эди, – дейди Марал Аннамурадова. – Ўша иморатларни айрим одамлар хусусийлаштириб олгач, билганича иш кўрди.

– Газ босими етиб келмагани сабаб, уч бора овулимизга кўмир олиб келиб сотилди, – дея суҳбатга қўшилади Гулсолтан Сапарова. – Катта қишлоққа 20-25тонна кўмир «муртмой» ҳам бўлгани йўқ. Энди Нукусга бориб, кўмир харид қилишга мажбур бўляпмиз.

Ана холос. Оқсоқолнинг сўзи боғдан келса, овул аҳолиси тоғдан келяпти-ку. Қишлоқдаги объектлар топармон-тутармон, ишнинг «кўзини» биладиганларга хусусийлаштириб берилгач, қозончига ўхшаб хоҳлаган еридан қулоқ чиқаради-да.

Айтишларича, қишлоқдаги 11-сонли мактаб иморати ҳам хусусийлаштириб юборилган объектлар билан бирга бунёд этилган экан. Вақтида таъмирлаб, пардоз берилаётгани сабаб ушбу иморат қишлоқ аҳолисининг фарзандлари ва ўқитувчилар учун ҳануз хизмат қилиб келмоқда.

– Қишлоғимиз марказдан олис жойлашган бўлса-да, овул аҳолисининг фарзандлари билим олиб, комил инсон бўлиб вояга етишлари учун шароитлар яратилган, – дейди мактаб ўқитувчиси Муратбой Гараев. – Фақат жисмоний тарбия дарслари ва машғулотлари учун ёпиқ спорт залимиз йўқ.

– Мактабимизда 361 нафар ўқувчи таълим-тарбия олмоқда, – дейди туркман тили ўқитувчиси Мердан Бегов. – Жами саккизта синф хонаси мавжуд. Хоналар етишмаслиги сабаб ўн етти синфга тақсимланган ўқувчилар икки навбатда ўқитилаётир.

Қишлоқда ўтган асрнинг 90-йилларида қурилиши бошланиб, кейин тўхтаб қолган икки қаватли мактаб биноси ташландиқ ҳолда ётибди. «Туя гўштини еган» қурилиш қачон давом эттирилади? Буни ҳеч ким билмайди. Лекин йил сайин тўлишаётган Шатровуқда ўқувчилар сони ҳам кўпаймоқда.

2019 йил Тахиатош туманида «Обод қишлоқ» дастурига киритилган овулларда амалга оширилиши режалаштирилган ишлар кўламининг бажарилиши якунига назар ташласак, камчиликлардан холи эмаслигига гувоҳ бўламиз. Жумладан, Шатровуқ қишлоғида 4 км.лик электр тармоқлари тортиш ва алмаштириш, 101 дона таянч устуни ва 2 дона янги трансформатор ўрнатиш дастурга киритилган. Дастурнинг 2019 йил 15 декабрь ҳолатига бажарилишини ўрганиб чиққанимизда, 101 дона ўрнига 77 дона таянч устуни ўрнатилгани маълум бўлди. Тунги ёритгич чироқлари борасида ҳали гап-сўз йўқ.

Қишлоқда ирригация тизимини яхшилаш мақсадида 2 км. узунликда, лойиҳа қиймати 25,5 млн. сўмлик иш бажарилиши режалаштирилган. Лекин шу кунга қадар бир сўмлик юмуш ҳам амалга оширилмаган.

Шунингдек, 6,7 километр узунликдаги ички хўжалик йўлларини таъмирлаш (шағаллаштириш) режага киритилган бўлса, шу кунгача 4 километр йўл таъмирланган.

Худудда пиёдалар учун янгидан йўлаклар қуриш ишлари ҳам бажарилмаган. Шатровуқ овулида қурилиши мўлъжалланган 1,5 километрлик пиёдалар йўлакчасининг 0,1 чақирими қуриб битказилиб, режа 9 фоизга бажарилган, холос.

Хулоса ўрнида айтадиган бўлсак, дастур қишлоқ ва овулларимиз ободлиги ва аҳоли фаровонлиги учун хизмат қилиши лозим.

Ортиқбой МАМУТОВ,
«Ishonch»

Қашқадарё вилояти

Ажаб ишлар

Ҳақ олинур, аммо...

Улуғ бобомиз Маҳмудхўжа Беҳбудийнинг «Ҳақ олинур, берилмас» деган пурмаъно гапи бор. Аммо... Касаба уюшмаларига ўз ҳақ-ҳуқуқлари борасида ёрдам сўраб қилинган қуйидаги икки мурожаатнинг ўрганиш натижалари эса...

Гап шундаки, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясига Қашқадарё вилоятида яшовчи Шуҳрат Элмуродов номидан мурожаат тушган. Муаллиф «Қашқадарё нефтгаз қурилиш ва таъмирлаш» АЖда ишлаши, Қарши шаҳридаги «Ватанпарварлар боғи»ни реконструкция қилиш пайтида музей биносининг иккинчи қаватидан, 4,1 метр баландликдан тушиб кетиши натижасида жароҳатланганини билдириб, даволаш харажатлари учун моддий ёрдам олишда амалий кўмак сўраган.

Ушбу мурожаат Қашқадарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси мутахассислари томонидан ўрганилганда, Шуҳрат Элмуродов то мурожаат қилгунча бўлган муддатда жамият томонидан даволаниш харажатлари учун 335-сонли тўлов топшириқномаси орқали 1 млн. сўм, 408-сонли топшириқномага кўра, 1 млн. 500 минг сўм ҳамда 485-сонли тўлов топшириқномаси билан яна 4 млн. 500 минг сўм, жами 7 000 000 (етти миллион) сўм олгани маълум бўлди. Шундай бўлса-да, касаба уюшмалари вакиллари аралашуви билан унга яна 405 минг 460 сўм моддий ёрдам кўрсатилди.

Яна бир мурожаатда Қарши шаҳри «Заҳокимарон» МФЙда яшовчи фуқаро Азиза Элмуродова Қашқадарё вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмасига жарроҳлик амалиётига кетган 2 млн. 216 минг сўм маблағ «Қашқадарё пармалаш ишлари» АЖ томонидан тўлаб берилмаётганини билдирган.

Мурожаатни ўрганиб чиқиш баробарида, «Қашқадарё пармалаш ишлари» АЖдан олинган маълумотларга кўра, А.Элмуродовага жамиятнинг 2018 йилда 352-сонли буйруғи асосида 608 минг 190 сўм, 2019 йилда эса 96-сонли буйруққа кўра, 608 минг 190 сўм моддий ёрдам берилгани аниқланди.

Акциядорлик жамиятининг жамоа шартномасида ходимларнинг мураккаб жарроҳлик операциялари ва стационар даволанишга муҳтожлиги учун тиббий хизмат тўлиқ ёки қисман тўлаб берилиши (камида 50 фоиз қийматини тўлаш) назарда тутилган. Шунингдек, А.Элмуродованинг Тошкент шаҳридаги академик В.Воҳидов номидаги республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказида ўтказган жарроҳлик амалиёти мураккаб операциялар турига кирмагани учун унга жами харажатнинг 60 фоизи, яъни, 1 млн. 216 минг 380 сўм маблағ жамият томонидан қоплаб берилган.

Воқеалар ривожида Азиза Элмуродовага ўз ҳуқуқлари доирасида белгиланган меъёрлар даражасида моддий ёрдамлар олгани ва жарроҳлик амалиёти харажатлари жамият томонидан қисман тўлаб берилгани учун унинг навбатдаги талаби қондирилмади.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, эндиликда ҳар иккала мурожаат эгаси ҳам ҳақ олинишини, аммо белгиланган меъёрдан ортиғининг имкони йўқлигини англаб етгандир, деб ўйлаймиз...

Акмал АБДИЕВ,
«Ishonch»

Тошкент вилояти

Дам ғанимат – одам ғанимат

Бўстонлиқ бағрида порлар чироқлар

Ростини айтсам, ўч-тўрт йил аввал ўзимни чарчагандай ҳис этиб, «энди йўл ёшларники, мен қўяқолай», деган ҳолатга тушган эдим. Қарасам, шиддатли ўзгаришлар, ҳар кунги янгиланишлар бу ҳаётда бизларнинг ҳам ўрнимиз борлигини, «кексалик гашти»ни суриб юраверсак, қолган умримиз увол бўлишини аниқ-тиниқ кўрсатиб қўйди.

Келинг, ваъзхонликка нуқта қўйиб, асл мақсадга ўта қолай. Қиш барибир қиш-да, ҳарорат кутилмаганда тушиб, кўп йиллардан бери такрорланиб келган ҳолат юз берди: табиий газ оқими пасайди, айрим жойларда ҳатто бутунлай ўча бошлади. Устига-устак электр чироқлари тез-тез ўчиш йўлига ўтиб олди. Азалий кўникмага ўрганган қишлоқ аҳли: «Ҳа, энди, кўпга келган тўй» дея, печларга ўтин, кўмир қалаб кун кўра бошладилар.

Аммо ҳозирги давр шиддати қалбларидан жой олган инсонлар бу ҳолга чидаб тура олмадилар. Электр, табиий газ идораларига кетма-кет қўнғироқлар бошланди. Афсуски, қабул телефонлари ўчирилган, гўшакни ҳеч ким кўтармасди. Начора, махсус машиналар ёллашиб, свет-газ идораларига кириб бордилар. Раҳбарлар эса қадимги бир хил жавобни такрорлашди: «Юқоридан ўчиришяпти, илож қанча». Талабгорлар яна бўш келмадилар: «Худди шу бошлиқларга бизларни олиб борасиз, сабабини ўз оғизларидан эшитайлик-чи!» Таранг ва танг аҳволга тушиб қолган бошлиқ: «Аввал ўзимиз ҳаракат қилиб кўрайлик-чи», дейишдан нарига ўтолмади.

Буни қарангки, Хондайлиқ қишлоғида табиий газ босими кўтарила бошлади, электр чироқлари ҳам ўчмайдиган бўлди. Ташаббускор талабчилар эса газ-электр ҳақларини ҳеч кечиктирмай тўлаб боришни, қишлоқ аҳолини ҳам шунга даъват этишни одат қилдилар.

Бу яқинда рўй берган ҳаётий бир воқеа. Ҳозирги талабчан шароитда катта-кичик бошлиқлар, ҳатто вилоят ва республика миқёсидаги раҳбарлар учун ҳам иш юритиш осон бўлмай қолди. Юрак ютиб раҳбарликни қўлга олган одам ҳар томонлама тўкис, ўзига тўлиқ ишонган, қандайин тўсиқ ғов-бўлмасин, вазминлик, ақл-заковат, билимдонлик, фидойилик билан енгиб ўтмоғи шарт. Биз юқорида тилга олганимиз Бўстонлиқ тумани электр тармоқлари корхонаси бошлиғи Жамолиддин Валиев ва табиий газ тармоқлари идораси раҳбари Акмал Абдумўминов ўз вазифаларига оқилона ёндашиб, кўп йиллар ушбу муҳим соҳаларни муваффақият билан одилона бошқарадилар, деган умиддамиз. Ҳолбуки, ҳозирга қадар мазкур тармоқларнинг бошлиқлари тез-тез ўзгаравергани уларнинг номлари ҳам ҳеч кимнинг ёдида қолмаган...

Раҳбар салоҳияти ҳақида гап кетар экан, бир инсоннинг ибратомуз умр йўли ва ҳар қанча ҳавасга лойиқ ишлари беихтиёр ёдимизга тушади. Дунёнинг яна бир Швейцарияси деган юксак номга лойиқ Бўстонлиқ тумани бағрини порлоқ чироқдек ёритиб турган «Товоқсой» санаторийси раҳбари Нурали Йўлдошев ҳақида ҳеч муболағасиз шундай ижобий фикрларни айтиш мумкин. Бундан ўн йиллар муқаддам ҳам мазкур даргоҳда бўлганмиз. Эскириб кетган ётоқ жойлари, одамлар бир-бирларига урилиб, қисилиб ўтадиган йўлаклар, тор-танқис муолажа хоналари... Шу даврдаги санаторий раҳбарларидан биронтасининг ном-нишонлари ёдда қолмаган. Чунки улар ўзларидан бирор кўркам ёдгорлик қолдирмаганлар, устига-устак, деярли йил ўтмай алмашиб туришарди...

Ҳар бир инсон бу ҳаётда яшар экан, ҳаётнинг турли икир-чикирларидан ташқари, кўзлаган асосий мақсадлари бўлмоғи шарт. Бу шундайин кўркам мақсад бўлсинки, ғиз этиб кетгандан кейин ҳам узоқ йиллар, борингки, умрбод яхши хотираларни эслатиб турсин.

Яна «Товоқсой» санаторийси фаолиятига қайтамиз. Нурали Йўлдошев ўн йил аввал ушбу даргоҳда иш бошлар экан, узоқ муддатли истиқбол режаларини тузиб олган эди. Асосан фахрийлар, кексайиб бораётган инсонларнинг яхши даволанишлари, мириқиб ҳордиқ чиқаришлари учун нималар қилмоқ лозим? Энг аввало, фидойи, ҳалол ва камтарин инсонлардан иборат жамоани шакллантириш даркор. Ният холис-да, ушбу мақсад тез фурсатда амалга оша бошлади.

Моҳир жарроҳ Нурали Йўлдошев санаторий ҳаётини ижобий томонга тубдан ўзгартириш мақсадида олис-яқинларга бетиним елиб-югурганда даволаш ишлари бўйича муовини Абдурашид Носиров унинг йўқлигини сира билдирмай, ҳамма масалаларни кўнгилдагидек ҳал этиб улгуради. Бошқа шифокорлар, хўжалик ва бошқа соҳаларнинг ходимлари ҳам ўз вазифаларини астойдил, ҳалол, виждонан бажарадилар. Биринчи раҳбарнинг самимийлиги, камтарин инсонлиги ва фидойилиги бошқаларга ҳам сингиб бормоқда. Шунинг учун ҳам бу масканга келиб даволанаётган, ҳордиқ чиқараётган инсонлардан ўн йилдан зиёд муддат давомида эътироз ёки норозилик саси чиққани йўқ. Аввалги тўрт юз ўринли ётоқхоналар барча шарт-шароитлари муҳайё қўшқаватли бинолар ҳисобига беш юз эллик ўринлидан ҳам ортиб бормоқда.

Нурали Раҳмоновичнинг истиқбол режалари бу билан якунига етгани йўқ. Давр шиддатидан янаям руҳланган бошлиқ Абдурашид Носиров сингари фидойи шерикларига таяниб, қулочини янада кенг отишга чоғланган. Эндиги режа – давлат шериклиги асосида эски даволаш биноси ўрнида уч юз ўринли янги замонавий санаторий биносини тиклаш. Яна ҳар томонлама тўкис даволанадиган ва яйраб яшайдиган йигирма ўринли коттежлар қуриш ҳам режалаштирилган. Бундайин истиқбол режаларининг беками-кўст амалга ошишига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Иш бошлаганининг биринчи куниданоқ кўзланган марраларни мардонавор босиб ўтиши бу ишончни исботлаб турибди...

Умр ўткинчи, уни увол қилиш ҳеч биримизга ярашмайди. Қайси соҳада ишламайлик, ким бўлишимиздан қатъи назар, Ватан равнақи ва халқимиз фаровонлигига муносиб ҳиссамизни қўшиб яшамоқ ҳар биримиз учун ҳам қарз, ҳам фарз. Ахир, ибратли одамлар сафида бўлишга не етсин!..

Асад АСИЛ,
ёзувчи

Оғриқ тишлар...

Ҳамманинг хабари бор–у, чора йўқ...

Ёхуд янги йил байрамидаги «пақилдоқлар» авжининг сабаби нимада?

Балки, эски мавзу туюлар-у, аммо дилга хира солган бу мавзуга такрор тўхталмасак бўлмайди.

Бу йил пойтахтимиз аҳли янги йилни шунақанги шовқин-сурон – «пақилдоқлар» «жаранги» билан кутиб олди. Рости, байрамга мушакбозлик ярашар.. Аммо «дом» титраб турса, одам бироз қўрқар экан...

Очиғи, оммавий ахборот воситаларида Божхона қўмитасининг божхона постларида пиротехника воситаларини мамлакатимизга олиб киришга уринишларнинг олди олинаётгани ҳақидаги хабарларни шу қадар кўп кўргандикки, энди байрамлар осойишта ўтишига ишонган эдик. Аммо... Байрам арафасида пиротехника воситалари савдоси деярли ҳамма бозорларда кузатилган.

Хўш, унча-мунча одам ўтолмайдиган божхона постларидан «пақилдоқлар» қандай олиб ўтилмоқда?

Бундай «савдо» самарасида Сирдарё вилоятида 7 ёшли бола оғир куйиш тан жароҳатини олиб шифохонага ётқизилган бўлса, Тошкент вилоятининг Чиноз туманида 8-синф ўқувчиси вафот этган.

– Билсангиз, «пақилдоқ»лар байрам арафасида «Қўйлиқ» деҳқон бозорида тур-тури билан очиқ сотилди, – дейди пойтахтимизнинг Яшнобод туманидаги мактаблардан бирида маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимида ишлаётган Музаффар Илашов. – Ўзим кийим бозорининг катта трасса йўли четидаги пиёдалар йўлаги ва шу ердаги йўлўтказгичнинг тагида очиққасига сотилаётганига гувоҳи бўлдим.

Ички ишлар ва солиқ идоралари ходимлари била туриб бундай воситалар савдоси бўлиб ўтаётган нуқталарни таг-туби билан йўқ қилмаяпти. Саволимизга аниқлик киритиш мақсадида «Қўйлиқ» деҳқон бозорида бўлдик.

– Ассалому алайкум, опа. Кечирасиз, менга «пақилдоқ» керак эди, қаерда сотилади? – сўрайман бозор атрофида савдо қилаётган сотувчиларнинг биридан.

– Байрам арафасида келмабсиз-да, жуда кўп эди. Ҳозир эса ана у «Compass»нинг орқа томонидаги «Сигарет бозори»га ўтиб кўринг. У ерда бўлади, – деди у.

Сотувчи ишора қилган томонга юрдим. Қандайдир ғариб, кўримсиз, пана-пастқам жой экан. Асосан ёши катта сотувчилар стол устига қандайдир дориларни қўйиб олишган. Шу нарсаларнинг орасида айримлари яширин, айримлари очиқчасига пиротехника ҳам сотиб ўтиришибди.

– Ассалому алайкум, опа. «Бангиллоқ» қанчадан?

– Ўн мингдан почкаси, ичида 10 та бор.

Қизиқувчан «харидор» сифатида шуни билдимки, пиротехника воситалари Қўқондан олиб келинар экан. Қўқонга эса... айланма йўллар орқали...

Бозор ҳудудига масъул бўлган Бектемир тумани 4-сонли ички ишлар бўлинмасига бориб, ҳолатга изоҳ сўрадик. Навбатчилик қисмида ўтирган ички ишлар ходими «Сигарет бозори» ҳудудида Бектемир тумани солиқ инспекцияси ходимлари билан тезкор тадбирлар уюштирилиб, катта миқдордаги пиротехника воситаларининг сотилишига чек қўйилгани, аммо ҳозирда раҳбарлари йиғилишда бўлгани боис, уларнинг рухсатисиз керакли маълумотларни беролмаслигини айтди.

Шундан сўнг навбатчи ходим ёрдамида «Сигарет бозори» ҳудудининг Бектемир туманига тегишлиқ қисмига масъул бўлган Азизбек исмли участка нозири билан телефонда боғланишга муваффақ бўлдик.

– Сиз бу ҳудуднинг «тозаланган»ини кўряпсиз, – деди шарифини айтишни истамаган участка нозири. – Неча маротаба уларнинг нарсаларини олиб қўямиз, туман солиқ идоралари билан рейдлар ўтказамиз. Натижада айримлар чиқмай кетди, аммо айримлар «фаолиятини» тўхтатмаяпти. Тўғрисини айтсам, бу ердаги ҳолат кўпчиликка маълум. Ноқонуний савдога ҳам биздан кўра, кўпроқ солиқ идоралари масъул.

Хуллас, суҳбатдан маълум бўлдики, солиқ идоралари ходимлари билан биргаликда тадбир уюштирмасдан туриб, кўплаб оилаларга мусибат келтириши мумкин бўлган пиротехника ёки ноқонуний дори савдосига қарши курашилмас экан.

Қизиқ, қандайдир яширин ёки айланма йўллар билан олиб келинган пиротехника очиқ сотилган, сотиляпти ҳам... Бундан ўша ҳудудга масъул бўлган Бектемир ва Миробод тумани ИИБ ва солиқ инспекциясининг ҳам хабари бор. Аммо ҳеч ким муаммони таг-туби билан йўқ қилолмаяпти. Сабаб нимада?

«Сигарет бозори»да пиротехника воситалари савдоси-ку мавсумий экан. Аммо бу ерда тамаки ва «дори-дармон» маҳсулотларининг ноқонуний савдоси доимий экан. Буёғи қандоқ бўлди? Тошкент бедарвоза шаҳарга айландими? (Ушбу мавзуга келгусида батафсил тўхталмоқчимиз).

Бу ҳолатларга масъул идоралар нима дер экан?

Зебо НАМОЗОВА,
«Ishonch»

Ҳикмат

Ҳамма ўйинчоқларни ҳам ўйнаб бўлмайди...

BESH MUHIM TASHABBUS

Хабар

Беш ташаббус жилоси

Термиз шаҳрида Сурхондарё вилояти ҳокимлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги вилоят бошқармаси томонидан «Китоблар карвони» тадбири ташкил этилди.

Президентимиз томонидан илгари сурилган бешта муҳим ташаббус ижросини таъминлаш мақсадида ўтказилган тадбир воҳадаги умумтаълим мактаблари ўқувчиларининг бир умр ёдида қоладиган бўлди.

– Янги йилнинг дастлабки кунларидан ўқувчи-ёшларимизга қадрли совға бўлган 50 минг дона 55 номдаги жаҳон ва ўзбек адабиётининг турли нодир асарлари ва бошқа китоблар воҳамиздаги 921 та мактаб кутубхоналарига тантанали равишда топширилди, – дейди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Сурхондарё вилояти бўйича масъул ташкилотчиси Моҳира Тоғаева.

Рустам ДАВЛАТОВ,
«ISHONCH»

Табиат ажойиботлари

Даштбургути

Даштбургутига табиат мислсиз куч-қувват ва жасорат инъом этган. У қудратли, чаққон ва айни пайтда тажовузкор.

Кўринишидан мағрур ва виқорли бўлган бу қуш ўлжасига дарров ташланмайди – қулай пайт пойлайди. Асосий қуроли – ўткир тирноқлари ўлжасига найзадек санчилади. Тўсатдан ташланиш ҳам овнинг муваффақиятини таъминлайди.

Бургутнинг нигоҳи ўткир. У – ўз ҳудудининг хўжайини. Тезкор парвоз – тезкор зарба. У курашда ғалаба қилади. Тутган ўлжасини узун тумшуғи ва ўткир тирноқлари ёрдамида тилка-пора қилади. Шафқат нималигини билмайди. Бу – барча бургутларга хос.

Бургутлар баланд қоя ва хароба жойларда ҳам учрайди. Ўтроқ қуш бўлганидан қиш пайти текисликларга тушади. Уясини тузатиб боргани сабаб катталашиб боради. Бир жуфт бургутнинг бир неча уяси бўлади.

Бургутлар типратикан, жайра, тошбақа, юмронқозиқ, тувалоқ ва какликларни овлайди. Хонаки эчки ва улоқларга ҳам ҳужум қилиб туради. Ўрдак, ғоз ва қашқалдоқлар ҳам унинг ўлжаси.

Қисқаси, қушлар олами инсоният ҳаётида жуда катта аҳамиятга эга. Ўзбекистон Республикаси «Қизил китоби»га киритилган бургутлар санитар вазифасини ҳам бажариб, турли касалликлар тарқалишининг олдини олади.

Абдулла САИДОВ

Самарқанд вилояти касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси ҳамда Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Самарқанд вилояти бирлашган қўмитаси жамоалари Самарқанд Автоўқув ишлаб чиқариш комбинати касаба уюшма қўмитаси раиси Алижон Сатторовга падари бузруквори

Жаҳон бобо САТТОРОВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

Тошкент давлат юридик университетининг Ихтисослаштирилган филиали жамоаси ҳамда касаба уюшма қўмитаси филиалнинг Ахборот-ресурс маркази директори Шаҳноза Тиллашайховага онаси

Заҳро РИХСИТУЛЛАЕВАнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

МУАССИС:
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002
2007 йил 11 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 116-рақам билан рўйхатга олинган.

«Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳрир ҳайъати:

Қудратилла РАФИҚОВ
(таҳрир ҳайъати раиси),
Улуғбек ЖАЛМЕНОВ,
Анвар АБДУМУХТОРОВ,
Сайфулло АҲМЕДОВ,
Акмал САИДОВ,
Равшан БЕДИЛОВ,
Қутлимурот СОБИРОВ,
Суҳроб РАФИҚОВ,
Шоқосим ШОИСЛОМОВ,
Ҳамидулла ПИРИМҚУЛОВ,
Нодира КАРИМОВА,
Анвар ҚУЛМУРОДОВ,
(Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари),
Темур МАМАЖОНОВ,
(Бош муҳаррир ўринбосари- «Ishonch-Доверие» бўйича),
Меҳриддин ШУКУРОВ,
(Масъул котиб - «Ishonch»),
Валентина МАРЦЕНЯК
(Масъул котиб - «Ishonch-Доверие»)

Бош муҳаррир
Ҳусан ЭРМАТОВ

Бўлимлар:
Касаба уюшмалари ҳаёти – (71) 256-64-69
Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт – (71) 256-52-89
Миллий-маънавий қадриятлар ва спорт – (71) 256-82-79
Хатлар ва муҳбирлар билан ишлаш – (71) 256-85-43
Маркетинг ва обуна – (71) 256-87-73

www.ishonch.uz сайти орқали Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, энг сўнгги янгиликлар, таҳлилий, танқидий мақолалар, хабарларнинг тўлиқ матни билан танишишингиз мумкин.

Ҳудудлардаги муҳбирлар:
Қорақалпоғистон Республикаси – (+998-99) 889-90-22
Андижон вилояти – (+998-99) 889-90-23
Бухоро вилояти — (+998-99) 889-90-31
Жиззах вилояти – (+998-99) 889-90-25
Наманган вилояти – (+998-99) 889-98-02
Навоий вилояти – (+998-99) 889-90-28
Тошкент вилояти — (+998-99) 889-98-44
Самарқанд вилояти – (+998-99) 889-90-26
Сирдарё вилояти – (+998-99) 889-98-55
Сурхондарё вилояти – (+998-99) 889-90-32
Фарғона вилояти – (+998-99) 889-90-24
Хоразм вилояти – (+998-99) 889-98-01
Қашқадарё вилояти – (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри таҳририят нуқтаи назаридан фарқланиши мумкин.

Навбатчи муҳаррир:
С.Абдураҳмонов
Мусаҳҳиҳлар:
С. Шодиева,
Д. Орипов
Саҳифаловчи:
Ҳ. Абдужалилов

ЎзА якуни – 00:20
Топширилди – 01:40

Газета офсет усулида, А-2 форматида босилди. Ҳажми 2 босма табоқ. Буюртма Г – 117. 30688 нусхада босилди. Нашр кўрсаткичи: 133

1 2 3 4 5

Манзилимиз:
100165, Тошкент шаҳри, Бухоро кўчаси, 24-уй.
E-mail: xatlar@ishonch-doverie.uz

Газета ҳафтанинг сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади. Газета «Ishonch»нинг компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

«Sharq» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили:
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят ҳисобрақами:
2021 0000 0004 3052 7001,
АТИБ «Ipoteka bank»
Яшнобод филиали,
банк коди: 00959,
СТИР: 201133889,
ОКЭД: 58130